



ХУСУСИЙ АЙБЛОВ ИНСТИТУТИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШ ВА РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ

Кабулов Алиакбар Акмалжон ўғли

Аннотация: Ушбу мақола орқали Сиз, жиноят-процессуал фаолият мазмунан шахс ҳуқуқларини жиддий чеклаш билан боғлиқлиги боис ушбу фаолиятни, унинг асосларини такомиллаштиришда самарали натижаларга эришиш учун жиноят-процессуал қонунчиликнинг бугунга қадар ривожланиши, сўнги йилларда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари мазмун-моҳиятини таҳлил қилиш асосларини билиб олишингиз мумкин.

Калит сўзлар: жиноят-процессуал фаолият, айблов, тортишув, қидирув, хусусий айблов.

Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий тизими ўзига хос мураккаб тизим бўлиб, у миллий-диний урф-одатлар, шариат ва роман-герман ҳуқуқий оиласига мансуб нормаларни қамраб олади. Жаҳонда ҳуқуқ тизимлари вужудга келишининг илк даврларида жиноятларга оид иш юритуви хусусий айбловга асосланган, деб айтиш мумкин¹⁰³. Чунки ўша даврда фақат даъвогар даъвоси асосида иш юритилган ва ҳукм ёки ҳал қилув қарорлари чиқарилган.

Жиноят процессининг шакли сифатида айблов, тортишув, қидирув ва аралаш тартибларига мувофиқ ҳам хусусий айблов асосида иш юритилган. Бизда амал қилган мусулмон ҳуқуқида ҳам жиноятлар билан боғлиқ кўпгина ишлар хусусий айблов асосида юритилган. Адабиётларда хусусий айблов даъво шакли сифатида баён этилган бўлиб, нафақат жабрланувчи, балки унинг уруғдошлари ҳам даъво қилиш ҳуқуқига эга бўлганлар.

Ўрта асрларда жиноят ишларининг муайян қисми хусусий айблов тартибида кўриб чиқилган ва XIX асрга қадар Англия ҳудудида жиноий таъқиб асосан жабрланувчининг шахсан ўзи ёки унинг яқин қариндошларининг ташаббуси билан қўзғатилган ва суд қилинган. Бунда давлат айбловининг ўрни деярли кўзга ташланмаган¹⁰⁴. Боиси, ўша даврдаги инглиз ҳуқуқига кўра, жиноятлар давлатга эмас, балки аниқ шахслар ёки оилаларга нисбатан содир этилиши мумкинлиги ғояси устувор бўлган. Шунингдек, муайян ижтимоий қилмишни содир этган шахсга нисбатан жиноий судлов масаласи айнан ушбу қилмишдан жабр кўрган шахс ёхуд унинг яқин қариндошларидан бирининг ташаббуси билан ҳал этилиши талаб этилган. Шу билан бирга ҳуқуқбузар шахсни тутиб, унинг жиноий жавобгарликка тортилишини таъминлаш, оддий фуқаро учун фақатгина

¹⁰³ Қаранг: Челцов-Бебутов М.А. Курс уголовно-процессуального права. – С-н. П-б. 1995, - С.27. 297-298.

¹⁰⁴ Daniel Klerman. Settlement and the Decline of Private Prosecution in Thirteenth-Century England. Law and history review. Vol.19. N 1, 2001. — URL: <http://www.historycooperative.org/journals/lhr/19.1/klerman.html>.



мажбурият ҳисобланмасдан, балки қиролликнинг хавфсизлигини таъминлашга йўналтирилган шарафли вазифа сифатида алоҳида имтиёزلарни тақдим этган.

Ўрта асрларда судларда кўрилатган жиноят ишларининг ҳажми ортиб бориши натижасида, судда ишларни кўриб чиқишда қироллик манфаатлари нуқтаи назардан иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган қирол томонидан тайинланадиган ишончли вакиллар (давлат айбловчиси кўринишида) пайдо бўла бошлаган. Бундай аралашувнинг икки шакли фарқланган. Биринчиси, қиролнинг шахсий ташаббуси билан қўзғатиладиган жиноий таъқиб оқибатида амалга оширилса, иккинчиси, хусусий айблов йўли билан қўзғатилиб, қиролнинг манфаатларига бевосита дахлдор бўлган жиноий ишлар бўйича амалга оширилган. Бунда қиролнинг ишончли вакили текширилатган жиноий ишларни бутунлай ўз назоратига олиб, айбловни қувватлаш ёки уни тўхтатиш ваколатига эга бўлган.

Англияда дастлаб судлар худди бугунги каби тўла ихтисослашмаган эди. Одатда, судда ишлар асосан муайян ҳуқуқбузарлик оқибатида етказилган моддий зарарни ёки товон пулини ундиришга йўналтирилган фуқаровий даъво тариқасида қўзғатилиб, сўнгра хусусий айбловни қувватловчи тарафнинг талаби билан жазоланиши мумкин эди. Ушбу суд жараёнлари суд прецеденти тариқасида расмийлаштирилган.

Хусусий айблов институтининг дастлабки элементлари Англия ҳуқуқ тизимида шаклланган бўлса-да, унинг диспозитив кўринишдаги ривожланиши ва бугунги шаклга келиши АҚШ қонунчилиги тажрибасига бориб тақалади. Хусусий айблов институти XIX аср ўрталарига келиб, англо-саксон ҳуқуқ тизимида кирувчи давлатлар, шунингдек роман-герман ҳуқуқ тизимида мансуб давлатлар қонунчилигида ҳам шу жумладан, мамлакатимиз миллий қонунчилигида ҳам ўзига хос кўринишда акс эта бошлади.

“Жиноят судловида хусусий айблов институти” мавзусида фан номзоди илмий даражаси учун илмий тадқиқот олиб борган рус тадқиқотчиси А.Л.Корякин, россияда хусусий айблов институтининг вужудга келиш тарихи борасида жумладан қуйидагиларни билдиради: “Қадимги Россиянинг Византия билан тузган шартномалари матнларини (911, 944, 971 йиллар) Россия жиноят ҳуқуқининг биринчи манбалари деб қабул қилиш бир овоздан маъқулланган. Хусусан, уларда мулкӣ жиноятлар (“татъбе-ўғирлик”, талончилик) ва уларни содир қилганлик учун жазолар (ўлим жазоси, қонли қасос) келтирилган. Ўша пайтлардаги асосий ҳуқуқий ҳужжат “Рус Ҳақиқати” ҳисобланади (Бу ҳужжат уч асосий нашрларда бизгача етиб келган: Қисқа, Муфассал ва Қисқартирилган). “Рус Ҳақиқати”нинг ҳеч қандай ҳуқуқларга эга бўлмаган қуллардан ташқари барча субъектлари жисмоний шахслар ҳисобланган хусусий ҳуқуқ кодекси бўлган деб ҳисоблаш ҳам мумкин. Унда қуллар учун жавобгарлик уларнинг хўжайинлари зиммасига юклатилган. “Рус Ҳақиқати”да жабрланувчига етказиладиган моддий ёки маънавий (жисмоний, мулкӣ) зарар оқибатидаги жиноят “озор етказиш” деб



таърифланади. Хусусий айбловга ҳос бўлган қоидалар биринчи мартаба қонунчилик миқёсида “Рус Ҳақиқати” ҳужжатида белгиланган. Жумладан, унда айбловнинг даъво асосида бошланиши; даъвогар томонидан айбловни мустақил қўллаб-қувватлаш (масалан: “Рус Ҳақиқати”нинг 21-моддасида: “... ва даъвогар айбловни қўллаб-қувватлашда давом этса...”); томонларнинг ўзлари далил излаш ва тақдим этишлари фактлари (масалан: “Рус Ҳақиқати”нинг 18-моддасида: “Агар кимдир қотилқда айбланса, ўзининг айбсиз эканлигини исботлаш учун етти нафар гувоҳ олиб келиши керак...”¹⁰⁵) келтирилган. Шундай қилиб, қадимги рус процесси хусусий-даъво ҳарактерига эга бўлган. Иш фақат жабрланувчининг, ёки унинг қариндошининг ёхуд қабиладошининг шикоятга ёки “челобит-ёзма хати” асосида қўзғатилган. Айбловчи ва айбланувчи даъвогарлар деб аталиб, бир хил ҳуқуқларга эга бўлишган¹⁰⁶.

Шунингдек, А.Л.Корякин Россияда хусусий айблов институти ривожланишини шартли равишда тўққиз босқичга бўлиб ўрганиш мумкинлигини қайд этади. Бу давр “Рус Ҳақиқати” ҳужжатидан то хусусий айблов институтининг Россия Федерациясидаги ҳозирги ривожланиш босқичи давлат ва жамиятнинг инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига бўлган муносабатининг ўзгаришигача бўлган даврларга бўлиб ўрганган. 2001 йилда қабул қилинган РФ Жиноят-процессуал кодексида хусусий айблов институти жиноий судлов фаолиятининг алоҳида шакли сифатида белгиланди. Ушбу кодексда хусусий айблов жиноий таъқибнинг бир тури сифатида белгиланди ва у асосида иш юритишнинг алоҳида қоидалари бобларда белгиланди¹⁰⁷.

Бизнинг мамлакатимизда Чор Россияси даврида мамлакатимиз амалиётига кириб келган роман-герман ҳуқуқи асосида жиноят ишларини юритиш тартиби жорий этила бошланган. Жумладан, “мураса судьялари” институти жорий этилган, шу билан бирга туб аҳоли вакиллари учун қозилик судлари фаолият кўрсатган. 1917 йил Россиядаги Октябр тўнтаришидан сўнг давлатнинг жиноятчиликка қарши кураш сиёсатида оммавий ҳокимиятнинг кучайиши кузатилди. Бунинг натижасида шўролар жиноят-процессуал қонунчилигидаги хусусий айблов тартибида ишларни юритиш моҳиятан ҳақиқий хусусий айблов мазмунини йўқотди. Шўролар даврининг фикрларига кўра, хусусий айблов ишлари бўйича иш юритиш оммавий хусусиятга эга бўлади¹⁰⁸. Ҳар қандай жиноят ишини бошлаш тўғрисида қарор фақат давлат органлари (прокурор ёки судья)

¹⁰⁵ Қаранг: Русская Правда // Российское законодательство X–XX вв. Законодательство Древней Руси. – М., 1994. – Т. 1. – С. 47–49, 64–73.

¹⁰⁶ А.Л.Корякин. История развития и становления института частного обвинения в уголовном процессе России, проблемы частного обвинения и пути решения. Вестник Омского университета. Серия «Право». 2013. № 3 (36). С. 225–233.

¹⁰⁷ Қаранг: А.Л.Корякин. История развития и становления института частного обвинения в уголовном процессе России, проблемы частного обвинения и пути решения. Вестник Омского университета. Серия «Право». 2013. № 3 (36). С. 225–233

¹⁰⁸ Қаранг: Строгович М.С. Курс советского уголовного процесса. Том I. М., – 1968. С.136. (470)



томонидан қабул қилинганидан сўнггина иш юритиш мумкин, деб ҳисобланган. 1926 ва 1929 йилги Ўзбекистоннинг Жиноят-процессуал кодексларида ҳам хусусий айбловнинг элементлари белгиланган эди. Уларга кўра, хусусий айбловга алоқадор жиноятлар бўйича иш қўзғатишда жабрланувчи шикоятининг мавжуд бўлиши шарт, деб кўрсатилган. 1960 йил 1 январига қадар амалда бўлган хусусий айбловга доир жиноят ишларини юритиш тартибида ҳам дастлабки тергов босқичи мавжуд бўлмаган. Бундай ишлар жабрланувчининг шикояти асосида судда қўзғатилган. 1959 йил 21 майда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 29-боби “Жабрланувчининг шикояти бўйича ишларни юритиш” деб номланиб, унинг 372-моддасида беш турдаги жиноятлар бўйича фақат жабрланувчининг шикояти билан иш қўзғатилиши ва айбланувчи билан ярашилган тақдирда иш тугатилиши белгиланган. Агар прокурор ушбу жиноятларни ижтимоий хавфли, деб топса, у жабрланувчининг шикояти бўлмаса ҳам жиноят иши қўзғатиб, тергов ўзказишга ҳақлилиги белгиланган. Мазкур кодексдаги хусусий айблов тўғрисидаги қоидаларнинг ўзига хослиги уларнинг хусусий ёки оммавий тартибда юритилиши прокурор ва суд хоҳишига боғлиқлигида эди. Бундай ишларда дастлабки терговни ўтказиш прокурор ёки суд томонидан шарт эмас, деб топилган ҳолларда тергов ўтказилмаслиги, хусусий айбловга асосан юритилиши мумкин бўлган ишлар прокурор томонидан қўзғатилган ҳолларда иш юритуви умумий тартибда, яъни дастлабки тергов ҳам ўтказилиши белгиланган.

Сўнгги йилларда халқаро ҳуқуқий нормалар, ривожланган давлатларнинг илғор тажрибасини миллий қонунчиликда акс эттириш борасида бир қанча ўзгаришлар амалга оширилди ҳамда қонунларга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда. Давлатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амал қилинадиган қонунчилик асоси бизга собиқ Иттифоқ давридан мерос бўлиб қолган. Собиқ Иттифоқ ва Чор Россиясининг ҳуқуқий тизими ўз навбатида континентал Европа давлатлари, хусусан, асосан Франция¹⁰⁹, қисман Германия ва Швейцария қонунчилигидан андоза олиниб ривожлантирилган. Ривожланиш асосида муайян давр ҳукумат тепасида бўлган амалдорларнинг сиёсатига мос бўлган талаб, шу талабга мувофиқ жинойий-ҳуқуқий сиёсат мақсадларига йўналтирилган суд-ҳуқуқ тизими ва қонунчилик яратилган (шаклланган).

Жумладан, Чор Россияси даврида буржуазия манфаатлари билан мустамлака ўлкаларда халқни итоатда ушлаб туришга хизмат қилувчи нормалар устуворлик касб этган. Иттифоқ даврида эса дастлаб ҳокимиятни мустаҳкамлаш (иккинчи жаҳон урушигача), сўнгра инсон ҳуқуқ ва эркинликларини эътироф этиш, халқаро ҳуқуқнинг устуворлигига мувофиқлаштириш йўналишларида қонунчилик бироз ривожлантирилган. Чор Россиясида ҳам собиқ Иттифоқ даврида ҳам суд-ҳуқуқ тизими жавобгарликнинг қаттиқлиги, жазонинг оғирлиги

¹⁰⁹ Қаранг: Миренский Б., Асамутдинов А., Камалходжаев Ж. Жиноят процессида далиллар назарияси муаммолари: Дарслик – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2002. – Б.7.



ва муқаррарлиги билан ўзига хослик касб этади. Мустақилликка эришилган дастлабки йилларда тартибни сақлаш, хавфсизликни таъминлаш мақсадида эски қонунларга асосан юқорида қайд этилган ёндашувга кўра иш юритилган бўлса-да, айрим репрессив, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ошқора тарзда камситадиган нормаларнинг амал қилиши тўхтатилди. Босқичма-босқич қонунлар такомиллаштирилиб, секин-аста замонавий қонунлар яратила бошланди. Мустақиллик йилларида миллий қонунчилик замонавий талаблар асосида янгиланмоқда, шу жумладан суд-ҳуқуқ тизими ҳам.

Мустақиллик йилларидаги суд-ҳуқуқ тизимидаги дастлабки асосий ислохотлар янги кодекс ва қонунларнинг қабул қилиниши ҳисобланади. Жиноят-процессуал қонунчиликдаги кейинги ислохотлар 2000 йилдаги судлар фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан боғлиқ бўлиб, апелляция институти жорий этилди. 2001 йилда эса анчагина жиддий ислохотлар бўлиб ўтди, жиноят процессида ярашув институти, муддатлар билан боғлиқ янги процессуал кафолатлар белгиланди. Шунингдек солиқ, валютага оид жиноятларга қарши курашни кучайтириш билан боғлиқ ислохотлар ўтказилди, бу борада ички ишлар органларининг айрим ваколатлари қисқартирилиб, прокуратура органларининг ваколатлари кенгайтирилди¹¹⁰. Жиноят кодексига жазолар либераллаштирилди¹¹¹, жиноятлар таснифи қайта белгиланди, мажбурият тавсифига эга бўлган жиноят-процессуал чораларни қўллаш чекланди, жавобгарлик ва жазодан озод қилиш механизмлари такомиллаштирилди. Жиноят ва жиноят-процессуал қонунларни либераллаштириш бугунга қадар давом этмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 23 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-411-сонли Қонуни¹¹² билан ЖКнинг 325-моддаси таркибига Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 141¹-моддаси биринчи қисми киритилиб, шу билан ушбу модда таъсирга тушадиган жиноятлар сони 12 тага, жиноят таркиблари сони 18 тага етди. Булардан ташқари, Жиноят кодексининг 167, 170, 172, 173-моддаларида назарда тутилган ва устав фондида давлат улуши бўлмаган юридик шахсга нисбатан унинг ходими томонидан содир этилган жиноятлар тўғрисидаги жиноят ишлари фақат мазкур юридик шахс раҳбарининг, мулкдорининг ёки ваколатли бошқарув органининг аризасига кўра қўзғатилади.

Натижада, жиноят процессида нисбатан тўлиқроқ хусусий айблов институти вужудга келди. Хусусий айблов шаклининг кенгайтирилиши қонунни қўллаш

¹¹⁰ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида (янги таҳрири)”ги 2001 йил 29 августдаги қонуни. — URL: <https://lex.uz/acts/31452>.

¹¹¹ Батафсилроқ маълумот учун қаранг: Ражабова М. Жиноий жазоларни либераллаштириш: илмий ва амалий таҳлил. – Т., 2004. – 203 б.

¹¹² Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 39-сон, 457-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.01.2018 й., 03/18/463/0634-сон;



амалиётида ҳам айрим мунозарали масалалар пайдо бўлишига сабаб бўлди. Жумладан, жабрланувчининг шикоятни бўлмаганда жиноят иши қўзғатишни рад этиш ҳақидаги қарорни расмийлаштиришда ЖПК 83-моддаси ёки 84-моддаларидаги асослардан қай бирига таяниш кераклиги ҳақида турли ёндашувлар кузатилди¹¹³. Хусусий айбловни қўллаш ҳақида бу каби турлича ёндашувларнинг мавжудлиги, бизнингча, уни амалга ошириш тартиби қонунчиликда мукамал белгиланмаганлиги билан боғлиқ эди. Ана шундай турли хил ёндашувлар натижасида ЖПКнинг 325-моддаси ва 84-моддаси биринчи қисми 6-бандида белгиланган тартибда жиноят иши қўзғатишни рад қилиш ёки қўзғатилган жиноят ишини тугатиш масаларини ҳал қилишда ҳуқуқни қўллашнинг ягона амалиётини шакллантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2021 йил 30 март кундаги 27-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2021 йил 31 март кундаги 4 қ/қ-сонли “Жабрланувчининг шикоятни билан қўзғатиладиган жиноят ишлари бўйича қонун нормаларини қўллаш юзасидан Қўшма кўрсатма”си (бундан кейинги матнларда “Қўшма кўрсатма” деб юритилади) тасдиқланди.

Мазкур кўрсатма қабул қилингунга қадар ЖПКнинг 325-моддаси бўйича Республикаимизнинг турли жойларида турлича қарорлар қабул қилиб келинганлиги жиноятчиликнинг реал вазиятни нотўғри баҳолаб келинишига, жиноят содир этишга мойил шахслар билан зарур профилактик тадбирларни амалга оширилмасдан қолишига, айрим ҳолларда, ҳаттоки, оғир жиноятларнинг олди олинмай қолишига сабабчи бўлган¹¹⁴.

Шундан келиб чиқиб, мазкур Қўшма кўрсатма билан қонундаги бўшлиқлар нисбатан тўлдирилди. Қўшма кўрсатма билан анчадан бери соҳа вакиллари ва мутахассисларнинг турлича ёндашувларига сабабчи бўлиб келган ЖПКнинг 325-моддасида назарда тутилган жиноятлар бўйича жиноят иши қўзғатиш рад қилинганида ёки жиноят иши тугатилганида қилмиш жиноят сифатида рўйхатга олиниши ёки ЖПКнинг 83-моддасида назарда тутилган тартибда ҳал қилиниши борасидаги тортишувларга чек қўйилиб, бундай қилмишлар жиноят сифатида қатъий рўйхатга олиниши белгиланди¹¹⁵.

Эндиликда ЖПКнинг 325-моддаси таъсирига тушувчи жиноятлар билан боғлиқ ишларни кўриб чиқишда мазкур кўрсатма талаблари дастурул амал сифатида қўлланилмоқда. Унга кўра, эндиликда жабрланувчи дастлаб айбдорни жавобгарликка тортишни сўраб мурожаат қилган бўлса, кейинчалик жиноят

¹¹³ Абдулҳақов Я.А. Тергов аппаратлари томонидан жабрланувчининг шикоятига асосан жиноят иши қўзғатишни қўллаш амалиёти // Хусусий айблов ва ярашув институтини такомиллаштириш чоралари: республика илмий-амалий конференция материаллари. — Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. — Б. 28-29.

¹¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2021 йил 30 март кундаги 27-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2021 йил 31 март кундаги 4қ/қ-сонли “Жабрланувчининг шикоятни билан қўзғатиладиган жиноят ишлари бўйича қонун нормаларини қўллаш юзасидан” Қўшма кўрсатмаси кириш қисми. Т. 2021 й.

¹¹⁵ Ўша манба, 13-банди.



иши кўзғатилишидан олдин шикоят аризасдан воз кечса ЖПКнинг 84-моддаси биринчи қисми 6-бандини қўллаб, жиноят ишини кўзғатишни рад қилиш ҳақида қарор қабул қилинади.

Ҳозирда суд-тергов амалиётида терговга қадар текширувни амалга оширувчи органлар, суриштирувчи, терговчи ва прокурорлар ҳар қандай жиноят ҳақидаги ариза ва бошқа хабарларни текширишда оммавий айблов асосида иш юритиш тартибига мос равишда ҳаракатланаётганлигини кўриш мумкин. Чунки хусусий айбловга доир ишларни юритишнинг алоҳида тартиби ЖПКнинг ўзида белгиланмаганлиги боис, ЖПК 325-моддасида белгиланган жиноятларга оид келиб тушган шикоят ва хабарларни текширишда ҳам умумий тартибда иш юритилмоқда.

Ҳозирги вақтда амалда бўлган жиноят-процессуал қонунчиликдаги нормалар хусусий айблов шаклининг айрим элементларини тартибга солади. Борини айтганда хусусий айблов асосида иш юритилиши мумкинлиги белгиланган ҳолос.

Б.Н.Рашидовнинг фикрига кўра, хусусий айблов шаклида иш юритиш қонунда тўлиқ акс этиши учун жабрланувчининг моддий диспозитив ҳуқуқлари, ушбу ҳуқуқлардан фойдаланиш тартиби, диспозитив ҳуқуқлардан фойдаланиш воз кечилганда ариза ёки хабарни текшираётган, жиноят ишини тергов қилаётган масъул мансабдор шахснинг кейинги ҳаракатлари, шунингдек хусусий айбловга доир ишлардан хусусий-оммавий ишларнинг ажратилиши ва ушбу тоифа ишларни юритишнинг ўзига хос тартиби ҳам белгиланиши зарур бўлади¹¹⁶.

Ушбу фикрга қўшилган ҳолда, хусусий айблов асосида иш юритишнинг ЖПКда алоҳида шаклини яратиш лозимлигини қайд этамиз. Чунки, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жиноят ишларини юритиш тартиби Жиноят-процессуал кодекси билан белгиланади. Жиноят ишларини юритишнинг Жиноят-процессуал кодексда белгиланган тартиби барча судлар, прокуратура, тергов, суриштирув органлари, адвокатура, шунингдек фуқаролар учун ягона ҳамда мажбурий¹¹⁷ эканлигини ҳисобга олсак, иш юритишнинг барча қоидалари айнан мазкур кодекс билан белгиланиши зарур. Шунингдек, иш юритиш қоидалари қандайдир мавҳум шаклда эмас, аниқ, лўнда ва тушунарли бўлиши лозим.

Мисол учун жиноят процессида далиллар мақбул бўлишига оид қоидалар фақат Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг тегишли қарорида белгиланган эди¹¹⁸. Кейинчалик, мамалакатимизда амалга оширилган суд-ҳуқуқ ислохотлари натижасида далиллар мақбул бўлишининг шартлари ЖПКнинг

¹¹⁶ Б.Н.Рашидов. Жиноят процессида хусусий айблов: назария ва амалиёт: юридик фанлар доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация. Т.: 2021, Ўз.Рес. ИИВ Академияси, - Б.52-53.

¹¹⁷ Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 1-моддаси.

¹¹⁸ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарори, 24.08.2018 йилдаги 24-сон. Далиллар мақбулликка оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида". <https://lex.uz/docs/3895986>



ўзида мустаҳкамлаб қўйилди¹¹⁹. Яъни, бугун жойлардаги терговга қадар текширув органларининг мансабдор шахслари, суриштирувчи ва терговчилар ЖПКнинг 325-моддаси таъсирига тушадиган жиноятга оид хабарлар ва жиноят ишлари бўйича “Қўшма кўрсатма” талаблари асосида иш юритишни ташкил этиб келишаётган бўлишсалар-да, ушбу “Қўшма кўрсатма”даги қоидалар Ўзбекистон Республикаси ЖПКда ҳам тўла акс эттирилиши ва иш юритиш ЖПК бўйича амалга оширилиши лозим. Акс ҳолда, ЖПКнинг 1-моддасига айрим ҳолларда алоҳида тоифадаги ишлар бўйича ваколатли давлат органларининг қўшма кўрсатмаси асосида иш юритишга руҳсат берилиши ҳақидаги қоида киритилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки, ЖПКга асосан фақатгина Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлатлар билан тузилган шартнома ва битимларида ўзгача қоидалар белгиланган бўлса, кодексдан ташқарига чиқиш мумкин, бошқа ҳолларда кодексда белгиланмаган тартибда иш юритиш таъқиқланади.

Бунинг устига, ҳозирги коммуникация технологиялари ривожланган бир пайтда мазкур “Қўшма кўрсатма” бирон бир ижтимоий тармоқ ёки интернет сайтида мавжуд эмас. Бу қонунни қўлловчиларга маълум даражада фойдаланиш борасида қийинчиликлар туғдириши табиий. Шунга кўра, бу қоидалар асосий қонунлар тўплами, ЖПКда акс этган бўлмоғи шарт деб биламиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Астанов И.Р. Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг экспертизага оид нормалари шарҳи. – Т.: ТДЮУ, 2015.
2. Апарова Т.Р. Суды и судебный процесс Великобритании. Англия, Уэльс, Шотландия. – М.: Институт международного права и экономики. Издательство "Триада, Лтд", 1996.
3. Акрмаходжаев Б. Хуқуқни тикловчи одил судловга томон кескин бурилиш юз бергани йўқ. // Хуқуқ-Право-Law, 2004. №2 (26).
4. Бойльке Вернер. Германия Федератив Республикасининг жиноят-процессуал хуқуқи: Дарслик. 12-нашр, қўшимча ва ўзгартиришлар билан. – Т.: Тошкент давлат юридик университети нашриёти, 2017.
5. Гамидов А.М., Ахмедов Р.У. Сравнительно-правовой анализ стадий уголовного процесса России и США – С. — URL: // Государственная служба кадры. <https://cyberleninka.ru/article/n/sravnitelno-pravovoy-analiz-stadiy-ugolovnogo-protsesta-rossii-i-ssha>

¹¹⁹ Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 95¹-моддаси. 95¹-модда Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 4 апрелдаги ЎРҚ-470-сонли Қонунига асосан киритилган — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.04.2018 й., 03/18/470/1005-сон



6. Курс уголовного процесса / Под ред. д.ю.н., проф. Л.В. Головки. – 2-е изд., испр. – М.: Статут, 2017. –С. 184-185. URL: http://www.consultant.ru/edu/student/download_books/book/golovko_kurs_ugolovnogo_processa.

7. Дикарев И.С. Диспозитивность в уголовном процессе России [Текст]/ под ред. проф. А.П.Кругликова.- Волгоград: изд-во Вол ГУ, 2005.